


X. ХИЗМАТЛАР

Бугунги кунда хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг истиқболли ва жадал ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланади. Унинг фаолият доираси жуда хилма-хилдир: савдо ва транспортдан тортиб, молиялаштириш, суғурта ва турли хилдаги воситачиликгача. Меҳмонхона ва ресторанлар, кир ювиш ва саргарошхоналар, таълим ва спорт муассасалари, сайёҳлик фирмалари, радио ва телестанциялари, консалтинг фирмалари, тиббиёт муассасалари, музейлар, театрлар ва кинотеатрлар хизматлар соҳасига киради. Деярли барча ташкилотлар у ёки бошқа турдаги хизматларни кўрсатишади.

2019 йил 1 январь ҳолатига республикада 323,5 мингга яқин фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотлар қайд этилди. Шундан, хизматлар соҳасида 213 мингдан ортиқ корхона ва ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 11,4 % га кўпайди.

2019 йил 1 январь ҳолатига корхона ва ташкилотларнинг умумий сонida хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётганларининг улуши, %
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)



2019 йил 1 январь ҳолатига хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар таркибида савдо фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар улуши (33,3 %) юқоридир.

Якин ва узоқ хориж давлатлари билан, шунингдек туризм соҳасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш яшаш ва овқатланиш хизматларини кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар сонининг ўсишига таъсир кўрсатди. Уларнинг улуши 9,3 % ни ташкил этди.

Ташиш ва сақлаш фаолияти билан шуғулланувчи фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхона ва ташкилотлар умумий сонидagi улуши 6,2 % ни ташкил этди.

Ахборот фаолияти билан шуғулланувчи ва алоқа хизматларини кўрсатувчи фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг улуши 3,3 % ни ташкил этди.

2019 йил 1 январь ҳолатига хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби, %
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)




Маълумот үчүн: 2018 йил 1 январь ҳолатига, хизматлар соҳасида 191,2 мингта корхона ва ташкилотлар фаолият кўрсатган. Уларнинг умумий таркибида энг катта қисмини савдо хизматлари (33,0 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (9,0 %), ташиш ва сақлаш (6,3 %), ахборот ва алоқа (3,3 %), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш (3,1 %) ташкил этади.

Инвестицион фаолият - мамлакатнинг иқтисодий ўсишининг муҳим элементи. Ўзбекистон Республикасида қулай инвестиция муҳити учун барча шароитлар яратилмоқда, хорижий сармоядорлар учун кенг қамровли ҳуқуқий кафолатлар ва имтиёзлар тизими амал қилмоқда ва такомиллаштирилмоқда, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилган.

2018 йил январь-декабрь ойларида хизматлар соҳасига киритилган инвестицияларнинг улуши умумий инвестиция ҳажмининг 27,9 % ни ташкил этди.

Хизматлар соҳасида иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ўзлаштирилиши, млрд. сўм
(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)

Хизматлар соҳасида асосий капиталга киритилган инвестициялар
29895,5 млрд. сўм



2018 йил январь-декабрь ойларида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми ўтган йилга нисбатан 28,2 трлн. сўмга ошди ва 146836,3 млрд. сўмга тенг бўлди. 2017 йил январь-декабрь ойларига нисбатан ўсиш суръати 108,4 % ни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматлари ишлаб чиқариш
(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)


	<i>Млрд. сўм</i>	<i>Ўсиш суръати, %</i>	<i>Жамига нисбатан %</i>
Хизматлар – жами	146836,3	108,4	100,0
<i>шу жумладан асосий турлари бўйича:</i>			
алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	9744,1	115,6	6,6
молиявий хизматлар	21192,6	125,8	14,4
транспорт хизматлари	43329,2	103,9	29,5
шу жумладан: автотранспорт хизматлари	21421,3	102,4	14,6
яшаш ва овқатланиш хизматлари	4420,5	104,7	3,0
савдо хизматлари	39445,3	104,2	26,9
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	4689,2	103,3	3,2
таълим соҳасидаги хизматлар	5422,5	110,7	3,7
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	2053,0	114,9	1,4
ижара хизматлари	3129,9	107,6	2,1
компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	2628,0	104,1	1,8
шахсий хизматлар	3743,6	102,8	2,6
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	2306,4	128,9	1,6
бошқа хизматлар	4732,0	106,9	3,2

Кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмида юқори ҳажм транспорт хизматлари (43329,2 млрд.сўм), савдо хизматлари (39445,3 млрд.сўм), молиявий хизматлар 21192,6 млрд.сўм) га тўғри келади.

Энг кичик ҳажм соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (2053,0 млрд. сўм), меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (2306,4 млрд. сўм), компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар (2628,0 млрд. сўм), ижара хизматлари (3129,9 млрд. сўм) га тўғри келади.

Ҳисобот даврида энг юқори ўсиш суръатларига меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар - 128,9 %, молиявий хизматлар – 125,8 %, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари – 115,6 %, соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар – 114,9 % бўйича эришилди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган бозор хизматларининг ўсиш суръати, %
(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)**




Нисбатан пастроқ ўсиш суръатлари шахсий хизматлар (102,8 %), кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар (103,3 %) ва транспорт хизматларида (103,9 %) кузатилди.

Хизматлар таркибида транспорт хизматлари (29,5 %), савдо хизматлари (26,9 %), молиявий хизматлар (14,4 %), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (6,6 %) улуши устунлик қилади.

Хизматлар умумий ҳажмида паст улушлар меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (1,6 %), шунингдек соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (1,4 %) га тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар таркиби


(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)



Транспорт хизматларининг энг катта қисми автомобиль транспортида юк ва йўловчи ташиш хизматлари ҳисобига тўғри келади. Бунинг сабаби транспортнинг тезкорлиги ҳамда ҳаво ва темир йўли транспортлари билан солиштирганда хизматлар нархининг нисбатан арзонлигига боғлиқ. Транспорт хизматлари таркибида автомобиль транспортининг улуши 49,4 % га тенг.

Транспорт хизматларининг умумий ҳажмида қувур йўли орқали ташиш бўйича хизматлари – 17,2 % ни ташкил этади. Транспорт хизматлари жами ҳажмида темир йўл транспорти хизматлари 13,6 % ни, ҳаво транспортида юк ва йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар улуши эса 11,5 % ни ташкил этади. Ёрдамчи транспорт фаолияти транспорт хизматлари умумий ҳажмининг 8,3 % ни ташкил қилади.

Транспорт хизматларининг таркиби (2018 йил январь-декабрь ойлари учун)



Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш фуқаролик жамиятида ва бозор иқтисодиётида юз берадиган жараёнларга ижобий таъсир кўрсатиш учун зарурдир.


Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида юқори технологияли хизматларни янада ривожлантириш, янги турдаги хизматлар рўйхатини кенгайтириш, шунингдек кўрсатилган хизматларнинг сифатини яхшилаш алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ўсишига таъсир кўрсатди.

2018 йил январь-декабрь ойларида алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ҳажми 9744,1 млрд. сўмга тенг бўлди. Уларнинг ўсиши 15,6 % ни ташкил этди.

Юқори ўсиш суръатлари Тошкент (128,5 %), Самарқанд (113,5 %), Бухоро (113,5 %), Сурхондарё (113,3 %), Қашқадарё (112,9 %) вилоятлари ва Тошкент шаҳрида (118,6 %) қайд этилди.


Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг унча юқори бўлмаган ўсиш суръати Қорақалпоғистон Республикаси (107,7 %) ва Сирдарё (107,9 %) вилоятида қайд этилди.

**Худудлар кесимида алоқа ва ахборотлаштириш
хизматларининг ўсиш суръати, %
(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)**




Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмида телекоммуникация хизматлари (симли ва мобил алоқа хизматлари, Интернет тармоғи, йўлдошли алоқа хизматлари ва бошқалар) катта қисмини эгаллаб, унинг улуши 84,5 % ни ташкил этади.

**Алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг таркиби, %
(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)**



Уяли алоқа ва Интернет тармоғи Ўзбекистон телекоммуникациясининг энг жадал ривожланаётган тармоқлари саналади. Бугунги кунда бозорда бешта уяли алоқа оператори фаолият юритмоқда, 2019 йил 1 январь ҳолатига улар томонидан 21954,5 мингдан ортиқ абонентларга хизмат кўрсатилди.


Худудлар кесимида алоқа ва ахборотлатириш хизматлари умумий ҳажмида телекоммуникация хизматларининг улуши ва ўсиш суръати, %
(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)



Пул-кредит сиёсатини эркинлаштириш, истиқболли инвестиция лойиҳаларини кредитлаш кўламини кенгайтириш, шунингдек, молиявий ташкилотлар томонидан инновацион хизматлар кўрсатиш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар молиявий хизматлар ҳажмини ошишига таъсир кўрсатди.

2018 йил январь-декабрь ойларида молиявий хизматлар ҳажми 21192,6 млрд. сўмга тенг бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 125,8 % ни ташкил этди.

Худудлар кесимида молиявий хизматларнинг ўсиш суръати, %
(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)



Молиявий хизматларнинг юқори ўсиш суръати Жиззах (152,1 %) вилоятида кузатилди. Нисбатан паст ўсиш суръати Тошкент шаҳрида – 117,2 % кайд этилди.

Молиявий хизматлар умумий ҳажмида суғурта ва нафақа таъминоти бўйича хизматлардан ташқари молиявий хизматлар катта салмоққа эгадир. 2018 йил январь-декабрь ойларида унинг улуши 89,2 % ни ташкил этди.

Суғурта ва нафақа таъминоти бўйича хизматлардан ташқари молиявий хизматларнинг энг катта қисмини пул-кредит соҳасидаги воситачилик бўйича хизматлар (96,8 %) ташкил этади.

Суғурта ва нафақа таъминоти бўйича хизматлардан
ташқари молиявий хизматларнинг таркиби, %

(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)



Ушбу хизмат гуруҳи бўйича молиявий лизинг бўйича хизматларнинг улуши - 2,3 %, бошқа молиявий хизматлар - 0,9 % ни эгаллайди.

Маълумот учун: 2018 йилнинг декабрида Fitch Ratings ва Standard & Poor's рейтинг агентлиги (<https://standardandpoors.com>, <https://fitchratings.com>) Ўзбекистонга суверен кредит рейтингини биринчи марта тақдим қилишди. Ҳар иккала агентлик ҳам барқарор прогноз билан узоқ муддатли "BB-" ва қисқа муддатли "B" даражадаги рейтингини беришди.


Ҳозирги кунда республикада улгуржи ва биржа савдо корхоналарининг фаолияти учун зарур ҳуқуқий асослар яратилган бўлиб, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда чакана савдо тармоғи фаол ривожланмоқда. Савдо хизматлари иқтисодиётда кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмининг сезиларли қисмини ташкил қилади.

2018 йил январь-декабрь ойларида савдо хизматлари ҳажми 39445,3 млрд.сўмга тенг бўлди. Кўрсатилган бозор хизматларининг умумий ҳажмида улуши 26,9 % ни ташкил этди.

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан савдо хизматларининг ҳажми 7439,3 млрд. сўмга ошди.

Савдо хизматларининг энг катта ҳажми Тошкент шаҳри (12788,3 млрд. сўм), Тошкент (3569,9 млрд. сўм), Самарқанд (3024,6 млрд. сўм), Фарғона (3011,0 млрд. сўм), Андижон (2705,5 млрд. сўм), Қашқадарё (2337,0 млрд. сўм) ва Сурхондарё (2246,3 млрд. сўм) вилоятларида қайд этилди.

Худудлар кесимида савдо хизматларининг ҳажми, млрд.сўм
(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)



Савдо хизматлари бўйича энг паст кўрсаткич Сирдарё вилоятида кузатилди. Ушбу худудда савдо хизматлари ҳажми 632,9 млрд. сўмга тенг бўлди.


Аҳоли даромадлари даражасининг ошиши билан истеъмол талаби ва савдо айланмаси кўлами ўсмоқда. Савдо хизматлари таркибида автомобиллар ва мотоцикллар савдосидан ташқари чакана савдо бўйича хизматлар катта салмоққа эга. 2018 йил январь-декабрь ойларида унинг улуши 67,7 % ни ташкил этди.

Савдо хизматлари таркиби, %
(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)



Ушбу даврда яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар ҳажми 4420,5 млрд. сўмга етди. 2017 йил январь-декабрь ойларига нисбатан ўсиш суръати 104,7 % ни ташкил этди. Кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмида яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг улуши 3,0 % га тенг бўлди.

Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар таркибининг таққосланиши, %



Таълим соҳасида амалга оширилаётган туб ислохотлар биринчи навбатда онг ва фикрлашдаги ижобий ўзгаришларни қўллаб-қувватлаб, маънавиятни юксалтиришга ҳисса қўшади.

Бугунги кунда ўқув жараёнининг сифати ва самарадорлигини оширишнинг муҳим омили сифатида мактабларни замонавий лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва янги авлод методик материаллари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2018 йил январь-декабрь ойларида таълим соҳасидаги хизматлар ҳажми 5422,5 млрд. сўмга тенг бўлди. Ўтган йилга нисбатан ўсиш 10,7 % ни ташкил этди.

Худудлар кесимида таълим соҳасидаги хизматларнинг ўсиш суръати (2018 йил январь-декабрь ойлари учун)

Андижон вилояти	100,0 %
Тошкент ш.	104,4 %
Самарқанд вилояти	107,9 %
Қорақалпоғистон Республикаси	109,4 %
Жиззах вилояти	111,7 %
Сурхондарё вилояти	113,4 %
Навоий вилояти	113,6 %
Тошкент вилояти	113,6 %
Наманган вилояти	114,2 %
Фарғона вилояти	122,5 %
Хоразм вилояти	122,8 %
Қашқадарё вилояти	127,6 %
Бухоро вилояти	129,8 %
Сирдарё вилояти	137,6 %



Таълим соҳасидаги хизматлар бўйича юқори ўсиш суръатлари Сирдарё (137,6 %), Бухоро (129,8 %), Қашқадарё (127,6 %), Хоразм (122,8 %) ва Фарғона (122,5 %) вилоятларида кузатилди.


Ўтган йилга нисбатан бу хизматларнинг унча юқори бўлмаган ўсиши Андижон (100,0 %), Самарқанд (107,9 %) вилоятларида, Тошкент шаҳри (104,4 %) ва Қорақалпоғистон Республикасида (109,4 %) қайд этилди.

Таъкидлаш жоизки, жисмоний ва юридик шахсларнинг хизматларга бўлган эҳтиёжларини кондириш учун хизматлар соҳасини ҳудудларда муваффақиятли фаолият кўрсатишини таъминламасдан туриб республика иқтисодиётининг йирик тармоғи сифатида хизматлар соҳасини жадал ривожлантириб бўлмайди.

Республикада ҳудудлар бўйича кўрсатилган бозор хизматлари таркибида етакчи ўринни Тошкент шаҳри (32,9 %) эгаллайди. Шу билан бирга Тошкент (7,5 %), Самарқанд (6,7 %), Фарғона (6,2 %) ва Андижон (5,4 %) вилоятларида энг юқори улуш кузатилди.

Кўрсатилган бозор хизматларининг умумий ҳажмида ҳудудларнинг улуши, %

(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)



Кўрсатилган хизматларнинг умумий ҳажмида энг кичик улушни қуйидаги ҳудудлар Сирдарё (1,3 %), Жиззах (2,2 %), Навоий (2,6 %), Хоразм (3,0 %) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси (3,1 %) эгаллади.

Худудлар кесимида хизматлар ишлаб чиқариш


(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)

	Жами			Аҳоли жон бошига	
	млрд.сўм	2017 йил январь-декабрга нисбатан %	жами хизматлар ҳажмида худудларнинг улуши, %	минг сўм	2017 йил январь-декабрга нисбатан %
Ўзбекистон Республикаси¹⁾	146836,3	108,4	100,0	4455,6	106,6
Қорақалпоғистон Республикаси	4464,9	113,0	3,1	2405,7	111,4
<i>вилоятлар:</i>					
Андижон	7979,8	108,5	5,4	2625,6	106,6
Бухоро	6439,8	107,7	4,4	3416,7	106,1
Жиззах	3168,4	113,4	2,2	2367,0	111,2
Қашқадарё	6975,9	107,2	4,8	2193,1	105,1
Навоий	3822,1	111,8	2,6	3955,8	110,0
Наманган	6023,8	108,8	4,1	2209,7	106,8
Самарқанд	9906,3	107,8	6,7	2635,1	105,7
Сурхондарё	5490,7	109,8	3,7	2160,2	107,5
Сирдарё	1941,1	109,7	1,3	2359,2	107,9
Тошкент	10959,1	106,4	7,5	3805,4	105,1
Фарғона	9120,6	108,5	6,2	2497,6	106,7
Хоразм	4403,5	108,5	3,0	2419,2	106,8
Тошкент шаҳри	48361,8	110,6	32,9	19439,6	108,7

¹⁾Худудлар бўйича тақсимланмайдиган ҳажмларни қўшган ҳолда

2017 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 2018 йил январь-декабрь ойларида энг юкори ўсиш суръатлари Жиззах (113,4 %), Навоий (111,8 %) вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси (113,0 %) ва Тошкент шаҳрида (110,6 %) қайд этилди.

**Худудлар кесимида ишлаб чиқарилган хизматларнинг ўсиш суръати, %
(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)**



Юкори бўлмаган ўсиш суръатлари Тошкент (106,4 %), Қашқадарё (107,2 %), Бухоро (107,7 %) ва Самарқанд (107,8 %) вилоятларида кузатилди.


Аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажмининг ҳар ойда ўсиши қайд этилмоқда. 2018 йил январь-ноябрь ойларига нисбатан 417,6 минг сўмга ҳажми ошиб, 4455,6 минг сўмга тенг бўлди. 2017 йил январь-декабрь ойларига нисбатан фарқ 794,3 минг сўмни ташкил этди.

Ушбу кўрсаткич ҳудудлар ўртасида Тошкент шаҳрида 19439,6 минг сўмдан Сурхондарё вилоятида 2160,2 минг сўмгача оралиғида бўлади. Ушбу минтақада аҳоли жон бошига кўрсаткичи нисбатан пастлиги бу ҳудудда аҳоли сонининг юкори кўрсаткичларига боғлиқлигидир. Такқослаш учун: гарчи Навоий вилоятида аҳоли сони (966,2 минг киши) унча кўп бўлмасада, бироқ аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми нисбатан юкори, яъни у 3955,8 минг сўмга тенг.

Аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажмининг максимал ўсиши Қорақалпоғистон Республикаси (11,4 %), Жиззах (11,2 %), Навоий (10,0 %) вилоятлари ва Тошкент шаҳрида (8,7 %) қайд этилди.

Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида унча юқори бўлмаган ўсиш суръатлари (105,1 %) кузатилди.

Худудлар бўйича аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматларининг ҳажми ва ўсиш суръати
(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)



Келажакда хизматлар соҳасини кенг қамровли ривожлантиришда аҳоли турмуш даражасини ошириш, самарали бандлигини ва иқтисодийнинг барқарор ривожланишини таъминлаш долзарб масалалар ҳисобланади.